

Кечиришга-ку кечирар, аммо...



13:30 / 24.06.2019 4478

«Жуда асабий, ғазаби тез чиқадиган бир йигит бор эди. Тез-тез асабийлашиб, эс-хушини йўқотадиган бир аҳволга келарди. Бир куни отаси унга бир идиш тўла мих берди. Ўғилчам, ҳар гал ғазабинг қайнаган пайтда мана шу михдан бир дона олиб, боғимизнинг ёғоч панжарасига қоқиб чиқасан», деди. Ўғил отаси айтгандек қилиб, ҳар гал асабийлашган чоғда бир михни олар ва ўша ёғоч тўсиққа қоқар эди. Биринчи куннинг ўзидаёқ 37 дона мих қоқди. Лекин михни ёғочга киритиш осон эмасди. Мих қоқишга қийналгани сайин ғазабини ичига ютишга урина бошлади.

Бир неча кун ўтгандан сўнг бир кунда бир неча дона мих қоқадиган бўлди. Бир неча ҳафтадан сўнг асабийлашган пайтда ғазабини ичига ютиб, бир дона ҳам мих қоқмайдиган бўлди. Отасининг олдига бориб, «Отажон, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, ғазабим чиққан пайтда асабимни жиловлашни ўргандим. Битта ҳам мих қоқмайдиган бўлдим», деб вазиятни тушунтирди. Буни эшитиб ота хурсанд бўлди ва ўғлига «Энди сен қоққан михларингни бирма-бир суғуриб чиқасан» деди.

Ўғил отаси айтганидек қилди. Михларни бирма-бир суғуриб чиқди. Қараса, ўтган қисқа муддат ичида 200 дона мих қоққан экан. Ўғил ишни тугатиб, отасининг олдига борди ва бўлган воқеани баён қилди. Ота ўғлини ўша ёғоч тўсиқ олдига олиб борди ва ундаги тешиқларга ишора қилиб, «Ўғлим,

ғазабингни босишни ўрганиб яхши иш қилдинг. Лекин мана бу тешикларга қара. Энди бу ёғоч миҳ қоқилишидан аввалги ҳолатига қайтадими?»,- деди. Йигит эса ғазабнинг оқибати қандай бўлишини тушуниб етди.

Нозимжон Ҳошимжон